*Энг нозик масала*

# МУҲАББАТНИНГ ЧИМИЛДИҚ ОРТИДАГИ МУАММОЛАРИ

Шаҳар кўчаларини кезсангиз, бир-бирига суяниб юрган ошиқ-маъшуқаларни кўп учратасиз. Улар ён атрофларида нималар бўлаётгани билан қизиқмайдилар. Ўз орзулари билан маст.

Биз бундай ёшларни кўрганда уларга ҳавас билан қараймиз. Лекин аксарият ҳолларда фарзандларимизнинг жинсий тарбиясига бефарқ бўлиб қолаётгандаймиз. Уларни нозик аъзоларини ҳамиша пок, озода тутишга, эҳтиётлашга, турли тажовузлардан асрашга ўргатмаймиз. Балоғат ёшига етганда жисмида бўладиган ўзгаришларни тушунтирмаймиз. Бирданига бу ҳолатга тушганида асаб тизимида айрим толалар узилиши, ҳатто ишдан чиқиши мумкинлигини уқтирмаймиз. Бу баъзан салбий оқибатларга, катта фожиаларга олиб келади.

Оилада жинсий тарбияга одоб-ахлоқ даражасида қараб, уни пардали йўллар билан тушунтириб борсак бўлади. Жумладан, ўғил болаларда жинсий қобилиятнинг ривожланиш 20-25 ёшда тўхташини, шу ёшда ундан соғлом, бақувват, ширин-шакар фарзандлар бунёд бўлиши аниқлигини айтиб қўйиш лозим. 15-17 ёшданоқ интим муносабатларни бошлаб юборган болалардан аксариятининг ҳаёт йўли оғир кечади. У орзиқиб кутилган висол тунини изтиробда ўтказади, мақсадига эришолмаганидан асабийлашади. Умр йўлдошига буни сездирмасада, барибир, бир кунмас-бир кун сир очилади. Оилада можаролар бошланиб, турмуш бузилиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мумкинми? Шифокорларнинг айтишича, мумкин экан. Одатда совуқ иқлимли мамлакатларга қараганда иссиқ минтақада яшовчи ўсмирлар тезроқ балоғатга етадилар. Уларда жинсий майл тобора кучайиб боради.

Ана шундай ҳолларда ўспириннинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор берилмаса, жисмоний меҳнат ёки спорт машғулотларига жалб этилмаса, келажагига путур етади.

Никоҳдан ўтган Н. исмли йигит тўйдан кейин ҳам анча вақт келин билан қовушолмади. Бир неча ой ўтгач, дўхтирга мурожаат қилди.

Докторлар йигит дардини даволашди. Ёшлар кейинчалик бахтли ҳаёт кечириб кетдилар. Лекин... Ҳа, майли. Бироқ мана буниси ғирт нодонликдан бошқа нарса эмас.



Яхши кунларда шундай дийдорлашиб турайлик...

Тери-таносил касалликларини даволовчи шифокорлар, ахлоқ милицияси нозирлари жамлаган «Тушунтириш хат»ларини ўқисангиз, баданингиз жимирлаб кетади.

Тунги гуруҳ тезкор маълумот бўйича 19 ёшли И. В. ни ушлаб келишди. У онаси тенги бир малла аёл билан ҳамтўшак бўлиб ётган экан. Иккаласини ҳам тиббий кўрикдан ўтказишди. Шунда «Захм касалига дучор бўлишган» деган хулоса олинди.

Бундайлар рўйхатда анчагина экан. Бирини гапга тутдик.

— Даданг, аянг борми?

— Ҳа.

— Шу аҳволда юрганингдан, дардга чалинганингдан хабарлари борми?

— Йўқ, билишмайди.

— Қаерда ишлашади?

Суҳбатдошимиз саволимизга жавоб бермади. Суриштирув ҳужжатларидан билсак, ота-онаси нуфузли ташкилотларда хизмат қилишар экан.

Ўзига оғир дард юқтириб, ўзини, ота-онасининг, яқин одамларининг қадр-қимматини бир пул қилиб юрган бундай ёшларга нима дейишимизни ҳам билмаймиз.

Энди шундай ҳақли саволлар туғилади:

Ёшлар ўртасида жинсий тарбияга оид суҳбатлар уюштириляптими?

Янги келин-куёвлар шахсий гигиена қоидалари билан танишганми?..

Ҳа, ҳаёт фақат хурсандчиликдан иборат эмас. Давримиз гўзал, юртимиз тинч. Тўй-маъракаларимиз тартибга тушиб боряпти. Бироқ биз фарзандларимизнинг бахт-саодати тўғрисида баҳслашаётганимизда «Улар келажагимиз учун соғлом авлод бера оладими?» деб фикр юритсак, янада яхши бўлар эди. Ана шунда майиб-мажруҳ, жисмонан ва руҳан ногирон бўлиб туғилган ёки тирик етимга айланган болалар сони камаярди.

Мунозарага қўшиларсиз, деган умиддаман.

**Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ**

*Сиёсий сабоқлар*

# ФАЛСАФА ВА МАФКУРА

*Иккинчи мақола*

**Боши биринчи бетда**

Яқинда МДУ профессори В. Ф. Шапавинковнинг «Фалсафа асослари» деган китобини ўқиб қолдим. У шундай деб ёзади: «Одамларга ҳуқуқ ва демократияни бериш уларни осойишта ҳаёт кечириши учун етарли эмас. Бозор иқтисоди, демократик институтлар мақсадларни амалга оширишда бир восита, холос. Россия халқини бир мақсадга бирлаштирадиган, ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда яшашни таъминлайдиган, узоқ муддатга мўлжалланган фундаментал ғоя» — мафкура йўқлигидан афсусланиб ёзади. Биз ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, Президентимиз ўзининг асарларида «давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган... токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила биладиган қўлимизда енгилмас бир кучга» айланадиган ғояни яратди. Бу улуғ ғоя олий таълим тизимининг ҳар бир фан вакилини, ўқувчиларини таълим ва тарбия ишини мустақил Ўзбекистонимизнинг янги концепциясига мос келадиган босқичга кўтаришга ҳисса қўшишга чорлайди. Миллий мафкура мустақил диёримизга хизмат қиладиган, уни ривожлантирадиган ғоялар тизими экан, мустақилликнинг ўзининг фалсафий таҳлилини кўриб чиқайлик. Бунинг учун ҳокимият, сиёсий мустақиллик ва демократия тушунчаларига бир оз тўхташга, уларнинг фалсафий маъноларини кўрсатиб беришга тўғри келади. Негаки, тарихдан маълумки, бу масалалар билан нафақат ҳуқуқшунослар, балки файласуфлар ҳам шуғулланиб келган. Бу масалалар социал фалсафанинг асосини ташкил этади.

Инсон назарий фикрлаганда, бадиий ижод қилганда, ҳокимият тўғрисидаги масалани кўпинча эсдан чиқаради. Ваҳоланки, **инсон борлиғида, унинг ҳаётида ҳамма вақт ҳокимият иштирок этади.** Инсоният тарихининг цивилизация давридан бошлаб ҳокимият ҳамма вақт зарурий воқелик сифатида мавжуддир. Аммо ҳокимиятда одамларнинг бир-бирлари билан биргаликда яшашини таъминлаш, улар ўртасидаги муносабатни, тартибга солиш вазифаси билан бир қаторда, одамларга нисбатан зўрлик ишлатиб, ҳаракатни бостириш хусусияти ҳам мавжуд бўлиб келган. Ҳокимиятдаги зўрликни, одамларга нисбатан тажовузкорликни йўқотишнинг иложи борми? Қандай ҳокимиятни адолатли деб аташ мумкин? бундай саволга ҳокимиятдаги қонун билан зўравонлик ўртасидаги кураш тарихи жавоб беради. Чиндан ҳам, ҳокимият қонунга таянадими ёки зўрликни қурол қилиб оладими? Президентимиз сўзи билан айтганда, давлат халққа хизмат қиладими ёки халқ давлатга хизмат қиладими? — ҳокимиятнинг адолатлилиги ана шундан келиб чиқади. Қайси бир давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатида зўравонлик эмас, балки давлатлар ўртасидаги алоқаларни яхшилашга, одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга, халқни ҳимоя қилишга асосланса, бундай давлатда қонун устувор бўлади. Адолатли қонунлар эса шахс эркинлигини таъминлайди. Бундай эркинлик — сиёсий эркинлик деб аталади. Қонун устувор бўлган ва эркинлик қонун доирасида амалга ошириладиган давлат ҳуқуқий давлат деб юритилади. Ҳуқуқий давлатга қонунлар конституция асосида яратилади ёки бекор қилинади, яъни ҳар қандай қонун адолат мезони, халқ иродаси билан қабул қилинади ва амалга оширилади. Мана шунинг учун Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосий тамойилларидан бири «қонуннинг устуворлигидир». Қонун олдида ҳамманинг тенглиги, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг қонунлар орқали бошқарилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон давлатининг бош йўли демократия экан, мафкурамизнинг асосий мақсади ҳам халқни демократик принциплар асосида яшашга ўргатишдир. Демократия давлатни идора этиш шаклигина эмас, балки халқ иродасини амалга оширадиган тизими ҳамдир.

«Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсундирилиши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқли, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларини сайловчи ташкилот олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради» (И. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 10-бет). Бироқ ҳар қандай миллат, халқ мустақиллигини таъминлаш учун давлат суверенитетига эга бўлиши керак. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг вужудга келиши мустақиллигимизнинг натижасидир. Сиёсий мустақиллик давлат суверенитетини таъминлайди. Суверен давлат сиёсий жиҳатдан эркин, у бошқа давлатларга қарам бўлмайди ва мустақил сиёсат юргизади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли асосларда мустақил алоқалар ўрнатди. Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришган экан, бу даставвал халқнинг озодлигидир. Бу эса сиёсий озодликнинг ички мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон суверен давлат сифатида ташқи давлатлар билан эркин, ўзаро ҳамкорлик сиёсатини ўз халқининг сиёсий озодлиги, осойишталик билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боради. Чунки халқи озод бўлмаган давлат мустақил сиёсат олиб боролмайди. Зеро, **халқига сиёсий эркинлик бермаган давлат ташқи сиёсатда ҳам эркин бўла олмайди,** эркин бўлган тақдирда ҳам халқнинг иродасини ифодаламайди. Озод халқ мустақил давлат тизимига эга бўлиши керак. Мустақил давлатгина халқнинг тўла ривожланишига, миллатнинг эркин бўлишига, шахснинг ўз-ўзини тарбиялашига, қадриятларни англашга имкон яратади. Ўз сиёсий қарашларига эга бўлган миллатни шакллантиради. Ўз озодлигини ҳимоя қила оладиган қатъий ва саботли кишиларни тарбиялайди. Халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун амалий ишлар олиб боради. Тартибсизликка, нохуш ҳодисаларга қарши курашади. Ҳокимиятнинг кучини тартиббузарлар бузғунчилар, зўравонлар, жиноятчилар, порахўрларга қарши қаратади. Қонун фуқароларни ҳимоя қилгандагина, уларнинг эркин фаолияти тўла таъминланади, халқ ҳар қандай қўрқувдан холи бўлади. Жамиятимизда ана шундай жараён шаклланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ҳар бир шахс ўз эркинлиги учун икки нарсанинг тарафдоридир: 1) унинг зўравонликдан, ҳар қандай таҳдиддан ҳимоя қилиниши ва 2) ўз қарашларини, ҳатто ҳокимиятни ҳам ўз ихтиёри билан баҳолай билиши. Инсонни зўравонликдан, ҳар қандай таҳдиддан ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг белгиси бўлса, ҳар бир шахснинг ўз қарашларига эга бўлиши ва уни ҳимоя қилиш демократиянинг белгисидир.

Қонун ҳамма учун баробар хизмат қилса, қонун олдида ҳамманинг тенглиги таъминланса, тартиб ва қоида бузувчилар қонунан жазоланса, ҳар бир шахс қонун асосида ҳимоя қилинса, эркинлик амалга ошади, адолат қарор топади. Ҳар бир шахснинг жамият ҳаётидаги иштироки таъминланса, эркинлик амалга ошади, чунки демократия эркинликнинг асосий шартидир. Шундагина ҳамма ўз эрк-хоҳишини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Бунда ҳар бир шахс сиёсий етуклиги ва ишончи даражасида ўз эркини сайловлар орқали ифода этади.

Инсон эркинлиги ўзаро мулоқотда, муҳокама ва мунозарада шаклланади. Шунинг учун **эркинлик очиқ ва самимий муносабатни талаб қилади.**

Сиёсий эркинлик — бу демократиядир. Бироқ ҳар бир демократия бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос маданияти ривожининг натижасидир.



Орзулари атласдек рангин...

Сиёсий эркинлик сиёсий ҳаракат ва сиёсий партияларни вужудга келтиради. Сиёсий партияларни ҳозирги кунда юқорида айтганимиздек синфий душман ёки фақат маълум синфларнинг манфаатларини ифодаловчи сифатида эмас, балки демократия моделлари ва йўлларини ҳал қилишдаги турли қарашларни ифодаловчи йўналишлар деб тушуниш керак.

Сиёсий эркинлик инсон эркинлигининг ҳамма томонларига ўзининг таъсирини ўтказади, бошқа эркинликларни амалга ошириш учун имконият яратади. Мана шу принцип асосида жамиятимиз сиёсати ва иқтисодий ислоҳотлари инсонийлик тамойилларига асосланмоқда.

Сиёсий эркинлик советлар даврида бўлганидек, якка дунёқарашга асосланмаслиги, турли қарашларнинг инсониятга хизмат қиладиган эзгу томонларидан оқилона фойдаланиши керак. Шахснинг қайси қарашлар тизимига ишониши унинг виждон эркинлигига боғлиқдир. Сиёсий эркинлик виждон эркинлигини таъминламайди. У алоҳида олинган қарашларни инсон онгига мажбуран сингдирмайди, чунки инсоннинг ички ишончи-эътиқодини ҳурмат қилишга асосланади.

Эркинлик инсонлар биргаликда яшаши натижасида тарихан таркиб топган турмуш қоидаларини, инсоний қоидаларни ҳурмат қилишни ҳам ўз ичига олади.

Эркинлик инсонлар ўртасидаги қонунларда ифодаланган ёки ифодаланмаган муносабатларни тартибга солиб туришга кафолат беради. Шунинг учун шахс ҳамма вақт ўзини жамиятдан бегона ҳис қилмайди, аксинча, жамиятнинг ғамхўрлиги, ижтимоий ҳимоясини сезиб туради.

Демократия ҳамманинг эрк-хоҳишини эмас, кўпчиликнинг, халқнинг иродасини ифодалайди. Шунинг учун сиёсий эркинлик ҳаммани тенг қониқтирмайди, айримлар иродасига қарши ҳам чиқади. Шу маънода демократияга қарши чиқувчи, истиқлолни хоҳламайдиган одамларнинг бўлиши табиийдир. Бироқ ҳозирги кунда бундай зиддиятлар зўрлик асосида эмас, балки сиёсий мулоқот асосида бартараф қилинмоқда.

Ҳамма демократик тамойиллар сайловлар орқали ҳал қилинади. Сайловлар эса том маънода халқ иродасининг ифодасидир. Шунинг учун айрим кишиларнинг фикрларига бефарқ бўлмай, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилмай, аксинча, ўз фикрларини бемалол айтишлари учун шароит яратилмоқда.

Юқоридаги фикрларнинг асосий моҳияти Президентимиз асарларида баён этилган; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилмоқда. Биз уларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик, холос.

Республикамизда демократик тамойиллар асосида келажаги буюк давлатни барпо этар эканмиз, бизнинг истиқлолимиз қайси фалсафага асосланиши керак? Бу саволга Президентимиз қуйидагича жавоб беради: «Биз барпо этаётган жамият, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида бу фалсафий-аҳлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда буюк мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим» (И. Каримов, Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995 й., 9-бет). Демак, бутун жаҳон фалсафий фикрлари билан миллий фалсафий фикрларимиз дурдонасининг уйғун ҳолда шаклланишига эришишимиз керак. «Биз барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда шундай ғояларга суянсак, хато қилмаган бўламиз» (И. Каримов. Ўша асар. 9—10-бетлар).

Демак, миллий мафкура халқимизнинг дунёқараши, мақсад ва вазифаларининг назарий асоси, демократик фуқаролик жамият барпо этиш ғояларидир.

Биз жаҳон фалсафасига назар солар эканмиз, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб деидеологизация (мафкурадан узоқлашиш) ҳолатини кўрамиз. Ҳозирги кунда эса ҳаракат рейдеологизация (мафкурани тиклаш) жараёнига қараб кетмоқда. Чунки ҳозирги кунда тинчлик, осойишталикка қарши экстремизм, фундаментализм, шовинизм ҳамда тоталитаризмнинг янги кўринишлари мавжуд экан, уларга қарши соғлом ақл, маърифатпарварлик қарашларини қўймас эканмиз, жамиятнинг тараққиётига кафолат бера олмаймиз. Чунки бугунги кунда жаҳолат билан адолатсизлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашда, ҳамкорлик, тинчлик, осойишталик, ўзаро ишонч ғоялари тантана қиладими ёки зиддиятлар, тажовузкорлик ҳукмронлик қиладими? Жаҳон тақдири, инсоният тақдири, миллатнинг тақдири ана шуларга боғлиқ. Шунинг учун Президентимиз «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир» деган эди.

Ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ана шундан келиб чиқади.

**Иномжон РАҲИМОВ,**
**ТошДУ фалсафа кафедраси мудири, профессор**

*Раҳбарингизни биласизми?*

# САРБОН ҚЎЛИДАДИР, ТАҚДИРИНГ КАРВОН...

Президентимиз И. Каримовнинг деярли барча маърузаларида меҳнаткашларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, улар тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш масъулияти ҳақида фикр юритилади. Бу масалаларга лоқайдлик билан қарайдиган баъзи раҳбарларга асло тоқат қилиб бўлмаслиги, бундай «ишбоши»лар ўрнини шижоатли, қатъиятли, замон билан ҳамнафас, янгиликларни ҳаётга қўрқмай татбиқ қиладиган, дадил ёшлар билан алмаштириш зарурлиги такрор-такрор уқтирилади. Кейинги пайтларда Президентимиз ташаббуси билан жиноятчиликка, савдо-сотикдаги қонунбузарликка, умуман, ҳаётимиздаги нуқсон ва камчиликларга қарши кураш бошланди. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Аммо мутасаддилар бу ишларга қачонгача ҳар куни эмас, юртбошимиз ўртага қўйгандан кейингина киришадилар. Юқоридан айтилишини, кўрсатма берилишини кутиб амал қобиғига биқиниб ўтириш ўз вазифасига лоқайдлик эмасми?

Ойнаи жаҳон орқали баъзан бошлиқларнинг «кўрсатилган камчиликлар бизнинг ташкилотимизда ҳам бор. Кўрсатмаларга амал қилиб, шу нуқсонларни тугатиш учун курашмоқдамиз» деган мазмундаги гапларини эшитиб турамиз. Менга бу гаплар билан ўша раҳбар эгаллаб турган лавозимига нолойиқ эканлигини эълон қилаётгандек бўлиб туюлади. Чунки юртбошимизнинг зиммасида бутун бошли мамлакатимизнинг тақдири турибди. Йигирма уч миллиондан ортиқ халқнинг тинчлигини таъминлаш, эртасини ўйлашнинг ўзи бўлмайди. Чекка жойлардаги жамоаларнинг камчиликларини ҳам давлат бошлиғи кўрсатиб бериши керакми? Шу ташкилотнинг раҳбари мавжуд камчиликларни сезмайдими, уни тузатиш чораларини кўрмайдими? Буни қандай тушуниш мумкин? Буни мен ўта масъулиятсизлик, лоқайдлик деб баҳолаган бўлардим.

Ҳаётимиздаги ҳар бир янгиликнинг қанот ёзишида Президентимизнинг шахсий ташаббусларини сезиб турибмиз. Чунончи, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонидан сўнг ҳаётнинг турли жабҳаларида тубдан ўзгариш юз берди. Матбуот, радио-телевидение, катта-кичик ташкилотларда маънавият ва маърифатга эътибор кучайди. Аслида, маънавият инсон учун биринчи галдаги зарурий эҳтиёж, бундан минг йиллар илгари аллома аждодларимизнинг «Маънавият инсон қалбининг қуёшидир» деган ўгитлари ҳаётимизга энди залворлироқ бўлиб кириб келди.

Маънавият ҳақида сўз борганда, раҳбар маънавияти, у ёки бу ишбошининг маънавий қиёфаси ҳақида ўйламай илож йўқ. Чунки жамоанинг маънавий дунёсини раҳбар қиёфаси шакллантиради. Жамият ҳаётининг жуда кўп муҳим масалалари у ёки бу раҳбарнинг бевосита таъсир доирасида ҳал бўлади. Демак, жамиятнинг маънавий қиёфасини адабиёт, фан ва маданият соҳибларигина эмас, айни пайтда раҳбар ходимлар ҳам белгилайдилар.

Раҳбар бўлиш осон эмас. Раҳбар Ватан, миллат манфаати йўлида жонини фидо қилмоғи, элим деб ёниб яшамоғи лозим. Афсуски, бундай фазилатларга кўплар эга эмас. Айнан шундай раҳбарлар одамларнинг тинч меҳнат маромини издан чиқаради, ҳукуматга, келажакка бўлган ишончини сўндиради. «Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак» деган юртбошимизнинг гаплари ҳар бир инсонга умид бахш этиш билан бирга, камчиликларга қарши курашга ҳам чорлайди.

Ҳар бир раҳбарнинг характери шу жойда ишлаётганларга маълум. Ташқаридан ҳурматга сазовор бўлган раҳбар, аслида шу ҳурматга лойиқ бўлмаслиги мумкин.

Фақат қўл остида ишлайдиганларгина ўз раҳбари шахсига тўғри баҳо беради. Шундан келиб чиқиб, бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Йилда ёки уч йилда бир марта катта-кичик раҳбарларнинг рейтинг-сўровларини ўтказиш керак. Албатта, бу сўровлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сўровлар натижасига кўра, ўша раҳбар ўзининг асл қиёфасини кўради. Қайси йўналишларда камчиликларга йўл қўйганлигини билиб олади. Сўров қоғозидаги саволлар ўша ташкилот шуғулланадиган ишнинг мазмунидан келиб чиқиб тузилиши керак. Тахминан шундай:

1. Раҳбарингиз ислоҳотчими? Замон янгиликларини иш жараёнига татбиқ қиладими, йўқми? Жавоб: қилади, қилмайди.

2. Хизмат лавозимидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланадими? Жавоб: фойдаланмайди, фойдаланади.

3. Қўл остидаги ходимларга нисбатан муомаласи қандай? Жавоб: хушмуомала, қўпол.

4. Хизматчилардан пора оладими, йўқми? Жавоб: олмайди, олади.

5. Матбуот янгиликларини, бадиий асарларни ўқийдими, йўқми?

Жавоб: ўқийди, ўқимайди.

6. Иш юзасидан таниш-билишлик, қариндош-уруғчиликка йўл қўядими? Жавоб: қўймайди, қўяди.

7. Ахлоқий томондан покми? Жавоб: пок, нопок.

8. Шу ташкилотнинг меҳнат фахрийларига муносабати қандай? Жавоб: эътиборли, эътиборсиз.

9. Ақлли, ташкилотчи, ҳалол ёш кадрларнинг ўсишига имконият яратадими? Жавоб: яратади, яратмайди.

10. Сизнингча, раҳбарингиз ўз лавозимига лойиқми, лойиқ эмасми? Жавоб: лойиқ, лойиқ эмас.

Саволларнинг мазмун ва кўламини кенгайтириш ҳам мумкин. Албатта, ходимлар энг тўғри жавобни беришади. Раҳбарнинг аслида ким эканлиги аниқ-равшан бўлади ва ўз камчиликларини янаги сўров муддатигача тўғрилашга ҳаракат қилади. Ўз лавозимига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашишга мажбур бўлади. Бу тадбирдан раҳбарнинг ўзигина эмас, барча ходимлар, асосан, халқимиз, жамиятимиз манфаат кўради. Бу ишларни жойлардаги Маънавият марказлари амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси юртнинг порлоқ келажаги учун масъулдир. Ўзининг фикри, амалий ҳаракати билан буюк келажагимиз йўлида фидойилик кўрсатмоғи керак. Бу — бугунги куннинг талаби. Биз одил демократик жамият қуриш учун курашмоқдамиз. Ушбу курашда барча, энг аввало, раҳбарлар фаол иштирок этсагина шундай жамиятни барпо қилишимиз мумкин. Бошқаришнинг энг оптимал йўллари, усулларини топишимиз, фуқаролик жамиятига муваффақият билан қадам қўйишимиз мумкин.

**Қосимжон СОЛИЕВ**
**Фарғона**

... Қишларида шивирлар баҳор...



Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

*Эрта сўлган чечаклар*

# ТАЛОН-ТАРОЖ СИЁСАТИ ҚУРБОНИ

1867 йилда чор ҳукумати Туркистоннинг қўлга киритилган ерларида Туркистон генерал-губернаторлигини тузди. Маркази Тошкент шаҳрида бўлган бу ўлканинг ҳокими ва ҳарбий қўмондони генерал Кауфман бўлиб, унинг ташқи сиёсати Туркистонда ўша вақтда мавжуд бўлган уч давлат — Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг ўзаро иттифоқига йўл қўймаслик, учала хонликни Чор Россиясига тобеликда тутишга қаратилган эди.

Бу пайтда Қўқон хони Худоёрхон бўлиб, 1868 йилги шартномага мувофиқ Қўқон хонлиги рус ҳукуматига қарам бўлиб қолган эди.

Чор ҳукуматининг зўравонлик сиёсати ва унинг очкўзлик билан қўйган талабларини бажариш учун маҳаллий халқ устига юкланган оғир солиқлар халқнинг тинкасини қуритди. Шу туфайли Фарғонада қатор қўзғолонлар кўтарилди. Бироқ, улар шафқатсизлик билан бостирилди. Бошбодоқлик авж олган мамлакатда тартиб ўрнатиш мақсадида Қўқон хонлигидаги бир гуруҳ йирик амалдорлар Худоёрхоннинг ўрнига унинг катта ўғли Насриддинбекни хон қилиб кўтардилар. Бу воқеа 1875 йилда Саритол деган мавзеда воқеъ бўлди.

1850 йилда туғилган Насриддинбек яхши маълумот олган, тарбияли йигит эди. У 1872 йили Қўқон хонлигидан Тошкентга юборилган элчиларга бошчилик қилди. Ўзининг ҳушёр ва доно сиёсатчи эканини кўрсатганлиги боис, ҳатто Туркистон генерал-губернатори Н. П. Кауфман ва унинг юқори мансабли амалдорларидан К. В.Струвел ҳам ёш шаҳзода Насриддинбекнинг билимдонлиги ҳамда сиёсий маҳоратига тан беришди.

Насриддинбек отасининг ҳукмронлиги даврида Андижонда ҳокимлик қилди. Бу пайтда Насриддинбек Андижонда маданият, адабиётни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Унинг саройида Муҳий, Мир Худоёр, Мунтазир, Биймий каби ўз замонасининг таниқли шоирлари хизмат қилдилар.

Насриддинбекнинг ўзи ҳам табъи назмга эга эди. У Шаҳзода тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Шаҳзоданинг шоир Абдураззоқ Биймийга назира этиб ёзган бир шеъри «Тазкираи Қайюмий» номли қўлёзма тазкирада сақланиб қолган.

**Эй маҳваши жон гудози хунрез,**
**Чашм қадамингғадур гуҳаррез.**
**Ошиқларга айлагил тараҳҳум,**
**Жон олмоға қилмағил тиғинг тез.**
**Сочин гириҳин каманд этибсен,**
**Жоним қушин айламоққа овез.**
**Мужгон ўқи бирла, эй жафожўй,**
**Қонимни тўкарга қилма ангез.**
**Шавқинг ўти куйдириб дилимни,**
**Оҳим шараридин айла парҳез.**
**Мен сенга чунон асир ўлубмен,**
**Ширинға нечукки ўлди парвез.**
**То тушти лабингни шавқи, бўлди**
**Дил жоми шароби ғамға лабрез.**
**Не хуш кун эди етурди андин**
**Қосидни паёми лутф омез.**
**Шаҳзодани айлабон гирифтор**
**Ул наргиси соҳири балохез.**

Шунингдек, унинг отаси Худоёрхонга атаб ёзган қасидаси тўғрисида бир ҳикоя бор: Насриддинбек Андижон ҳокими эканида Шайхулислом унга маслаҳатчи эди. Бундай вазифани адо этувчи шахсни оталиқ деб аташарди. Насриддинбек Андижондан Қўқонга бориши арафасида оталиқ билан учрашиб, ундан ўша қасидани отасига ўқиб бериш тўғрисида маслаҳат сўраган. Оталиқ Худоёрхонни яхши билгани учун унга бу ишни қилмасликни маслаҳат беради. Аммо Шаҳзода Қўқонга келгач, отаси Худоёрхон билан учрашганида унга ўзи ёзган қасидани ўқиб беради. Худоёрхон уни тинглагандан сўнг.

— Ўғлим, сен қилишинг керак бўлмаган иш билан (яъни, шеър ёзиш, билан) машғул бўлибсан, — деб ўғлига танбеҳ беради. Худоёрхоннинг шеър аҳлига муносабати қуйидаги ҳолда ҳам маълум бўлади. Андижонда ўз даврининг таниқли шоири ўратепалик Мир Худоёр Насриддинбекка шеърият қоидаларини ўргатар эди. Баъзи иғвогарлар ҳасад юзасидан шоир тўғрисида ҳар хил туҳматлар тарқатишади.

Бу туўматларга ишонган Худоёрхон Мир Худоёрни қаттиқ калтаклатади.

Насриддинбек тўнғич ўғил бўлгани учун мамлакат подшоҳлигига валиаҳд эди. Шунинг учун 1875 йилда Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетгандан кейин Насриддинбек Қўқон хони деб эълон этилгани қонуний эди. Бироқ Насриддинбек ҳукмронлиги узоқ давом этмади. Бу вақтда турли сиёсий гуруҳларнинг ҳокимият учун курашлари авж олди. Охири генерал Скобелев ўз қўшинлари билан тоғдан ошиб ўтиб Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарларини эгаллади. У ўзаро курашаётган гуруҳ бошлиқларини тутиб аравага ўтказиб, Тошкентга жўнатди. Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона водийси Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бу воқеалар 1876 йилда содир бўлди.

Қўқон хонлиги тугатилгандан сўнг Насриддинхон бир оз вақт Тошкентда яшади. Кейинчалик у Петербургга олиб кетилди. Петербургда рус подшоҳи билан учрашгандан сўнг яна Тошкентга қайтарилди. Тошкентда у онаси ва укаси билан юз кўришди. Бу ерда оз фурсат истиқомат қилган, кўп ўтмай дунёдан ўтди. Шу воқеа 1881 йилда содир бўлди. У Тошкентдаги Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилган, деган маълумотлар бор.

XIX асрнинг охирларида Андижонда ҳоким бўлган, кейинчалик эса Қўқон давлатида хонликка кўтарилган Насриддинбек қобилиятли ижодкор ва илғор фикрли давлат арбоби эди. У мамлакатдаги ички низолар ва тахту тож талашувлари, ҳамда чор ҳукуматининг зўравонлик ва талон-тарожга асосланган сиёсатининг қурбони бўлди.

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик**

*Зиё ва нафосат*

# БАЙРАМЛАРГА ДОЯ БЎЛГАН ЮРТ

Ўзбек халқи миллий ҳаёти ва турмуш тарзининг шаклланишида қадимдан ўтказилиб келган оммавий сайиллар муҳим аҳамият касб этганини алоҳида қайд қилиш лозим. Кенг омма иштирокида нишонланадиган сайллар тантанали миллий байрам маросимлари ҳисобланади. Сайиллар ҳар йили муайян фасл муносабати билан ташкил қилинадиган халқ байрамларидир. Сайилгоҳлар гўзал табиат манзарасида, соя-салқин жойларда, кенг ва очиқ майдонда ташкил қилиниб, томошалар уч кундан бир ҳафтагача, баъзан бир ойгача давом этган. Асримиз бошларида Хоразмда «Наврўз байрами», «сумалак сайили», «қовун сайили», «қизил гул» байрамлари тантанали нишонланган.

Хива хонлигида Наврўз байрами жуда ҳам юқори даражада ташкил қилинган. Унда хоннинг ўзи иштирок этган. Байрам бошланишидан бир ҳафта бурун катта майдонда юзлаб қора уй тикланиб, унинг олдига қирқ қулоқли дош қозонлар қурилган. Мана шу жойда уч кун давомида халқ сайили томошалари берилган. Кундузлар олма отиш, қўчқор, ит, хўроз уриштириш, масхарабоз, дорбоз, қўғирчоқ ўйинлари, йўрға ҳайдаш ва кураш каби томошаларда ўн минглаб одамлар иштирок этган. Сайил томошаларида кечаси моҳир мақомчилар ижросида қўшиқ базми ўтказилган.

Хоразм азалдан достончи бахшиларнинг ўлкаси бўлиб келган. Бахшилар келин-куёв тўйларида ишқий достонларни, бошқа тўйларда, сайил ва байрамларда эса кўпроқ қаҳрамонлик достонларини куйлаганлар. Улар достоннинг ижобий ва салбий томонларини оғзаки тушунтириб, дутор жўрлигида имо-ишоралар билан баланд ёки паст мақомда куйлаб, томошабинларнинг диққатини ўзига жалб қила билишган. Созанда ва бахшилар нафақат халқнинг севимли достонларини, балки ҳаётда кенг тарқалган ашула ва куйларни ҳам зўр маҳорат билан ижро этганлар. Созандачилик санъати қадимдан профессионал даражага кўтарилиб, оғзаки йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган ажойиб халқ куйларини, шеър ва рақсларни устознинг шогирдига етказиши орқали намоён бўлган. Катта санъаткор мураккаб ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳамда оғзаки ижро этиладиган (баъзан ғижжак, дутор ва танбурлар билан жўр қилиб келинган) мақом куйини ижро этиш синовидан ўтган. Бутун ўзбек элида, шу жумладан Хоразмда созанданинг истеъдоди ва маҳорати куйни ижро этишга қараб баҳоланган. Чунки бундай мураккаб катта ҳажмдаги куйни ижро этиш учун жуда катта дид ва истеъдод талаб қилинади. Мақом ўзининг куйи, мураккаб шакли ва жиддий ритми (мақоми) билан бошқа ашула ва куйлардан фарқ қилади. Мақомлар одатда машҳур шоирлар яратган асарларга басталанган. Шунингдек, кўҳна Хоразм қадимий рақслари билан ҳам жаҳонга машҳурдир. Бу ерда ҳеч бир сайил, байрам ёки тўй-томоша, оилавий тантана ва зиёфатлар рақс ўйинларисиз ўтмайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳозирги пайтда халқ орасида кенг тарқалган ва ўзига хослиги билан ҳеч қаерда такрорланмаган бир неча турдаги Хоразм рақс намуналарининг илдизлари ибтидоий жамоа тузуми даврига бориб тақалади.



Хоразмда ҳозиргача маълум бўлган ўнта хил лазги рақси ижро этилади: олов лазгиси, қайроқ лазгиси, масхарабоз лазгиси, дутор лазгиси, сурнай лазгиси, ўғлон бола лазгиси, газрмон лазгиси, эронийлар лазгиси, Хива минор лазгиси ва замонавий яллали лазги. Ҳар бир лазгини раққос ёки раққоса ўзига хос услубда ижро этади, бир ижрочи иккинчисини қайтармайди.

Лазги ва бошқа Хоразм рақслари элементларини Беруний таърифлаган Наврўз маросимидаги «Мина кечаси»да ўйналадиган рақсларда, қадимий обидалардан топилган ажойиб тасвирий санъат намуналарида, айниқса Қўйқирилган қалъа яқинида топилган сопол ниқобли ҳайкал тасвирида яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, топилган масхарабоз ниқоби, арфа чалувчи аёл расми, дўмбирага ўхшаш икки торли чолғу асбоби нақши, рақсга тушувчилар залидаги расмлар ва бошқа тасвирлар Хоразм рақс санъатининг ниҳоятда узоқ тарихга эга эканлигига гувоҳлик беради.

Ҳарбий хусусиятга эга бўлган «Олтин қовоқ отиш» ўйини ўтмишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу ўйинни ўтказиш учун сайилларда махсус ўрнатилган 5-6 метрлик ўзаро боғланган тўртта ёғоч учига қўйининг орқа оёғидан олинган ошиқ суяги ёки танга ип билан боғлаб қўйилган ва буни «олтин қовоқ» деб аташган. «Олтин қовоқ»қа дастлаб ўқ-ёйдан, кейинчалик эса милтиқдан ўқ отганлар. Кимнинг ўқи «олтин қовоқ»қа бориб тегса, шу кишига от ёки туя соврин қилиб берилган. Ғолиб мерган томошабинларнинг олқишлари остида даврани айланиб чиққан. Худди шундай олқишларга ғолиб чиққан полвонлар, хўроз, ит ва қўчқор уриштирувчилар ҳам муяссар бўлган. Қувноқ ўтадиган сайил намойишларида масхарабозларнинг чиқишлари одамларга катта завқ-шавқ бағишлаган. Уларнинг репертуари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кулгу орқали одамларда учрайдиган қусур ва иллатлар устидан ҳажв қилинган. Хивалик ахборотчи Полвонназар Отаев ёшликда олган жонли таассуротларини шундай ҳикоя қилади: «Мен ўн беш ёшли бола эдим. Хива шаҳрида бўлган сайиллардан бирида Бобо тўқ-тўқ билан Япирди масхарабоз майдонга чиқди; Бобо тўқ-тўқ керилиб ўтиради, Япирди эса, «лаббай, ҳозир», деб бошидаги телпагини чиқариб ташлаб, бошига чаққонлик билан рўмол тақиб мункиллаган кампир қиёфасига киради. Бобо тўқ-тўқ кампир образидаги Япирдига қараб: «Ўҳ, қарибсан», дейди. Япирди нозу карашма билан: «Қўйинг, кўнглимни туширманг, ҳали қаймоқдайман» деб жавоб беради. Бобо тўқ-тўқ: «Қаймоқдай бўлсанг ҳам дағаллашиб калла ос», деб буюради. Япирди: «Қирқ йилдан бери калла осаман, осилиб битмаган калла қурсин, осдириб хумордан чиқмаган сиз ҳам қуринг», деб Бобо тўқ-тўққа афтини буриштириб ёмон қарайди. Томошабинлар кула-кула ичаги узилгудай ҳолга келган эди». Асримиз бошларида Хоразмда атоқли масхарабоз Давлат пақопоқ, Жуманиёзқори ва Юсуф тарлама ижро этган «Сартарош», «Фолбин», «Зимлак», «Пўрхон» каби спектакллар ўзбек халқ театрининг энг ажойиб намуналаридан ҳисобланган. Мазкур саҳналарни, айниқса, «Зимлак» ўйинини Худойберди кўр, Бовоқ ота Авезов, Қурбонбой шарлама юзларига ниқоб кийиб, бошларига шох қадаб, соқол қистириб, эгниларига пўстинни тескари кийиб, зўр маҳорат билан ижро этиб, томошабинларни мафтун қилганлар.

Ўтмишда бутун Марказий ва Олд Осиёда ноёб санъат соҳаси ҳисобланган халфачилик Хоразм воҳасида ҳозиргача сақланган. Тўй, аза ва маросимларда учта-учта бўлиб, бири мусиқа ёки доира чалиб, бири ўйнаб, бири куйлаган аёлларни «халфачилар» дейишган. Илгари вақтларда Хоразмда «халфачилар» тўй-маъракаларда хотин-қизлар ўтирадиган хонанинг тўрида уларга қарама-қарши ўтириб, халқ достонлари ва қўшиқларини куйлашган. Баъзан улар маъракаларнинг тўрига қараб ўзлари ҳам қўшиқ тўқиб айтганлар. Халфаларнинг репертуарларида ранг-баранг халқ қўшиқлари ва лапарлари, классик шоирларнинг қўшиқбоп ғазаллари ҳамда катта-кичик достонлар асосий ўринни олади ва улар раққосаларнинг жозибали ўйинлари ва мусиқа куйлари билан тўлдирилади.

Халфаларнинг маҳорати, ижрочилик ва ижодий қобилияти шу қадар зўр бўлганки, ундан хотин-қизлар билан бирга уларни четдан туриб кузатиб турган эркаклар ҳам маънавий озуқа олишган.

Шуни айтиш керакки, Хоразм достон ва термаларида, ашула ва куйларида инсоннинг ички кечинмалари ва фазилатлари куйланиб, жамиятдаги барча иллатлар очиқ фош қилинади ва масхараланади. Хоразм халқ оғзаки ижодида нафақат фожиали аҳвол ёки дод-фарёд, балки оптимистик руҳдаги ижодий орзулар ва яхши фазилатлар ҳам ўз ифодасини топган. Уларда инсоннинг юксак ўй-фикрлари, пок севгиси, садоқатлилик, ҳамкорлик ва дўстлик, жасурлик ва биродарлик каби инсоний фазилатлар жўшқин куйланади. Шу билан бирга, ижтимоий тенгсизликка, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрат ва қаҳр-ғазаб ҳам изҳор қилинади. Теран халқчиллик билан ажралиб турган Хоразм фолклорининг ранг-баранг ғоялари халқнинг кундалик маиший турмуши ва маънавий ҳаёти билан узвий боғланган ҳолда миллий қадриятларни янада бойитади.

Ўзбек элининг бир асрдан ошиқ давр ичида дастлаб чоризм, кейин шўро мустамлакачилигида яшаган ҳаёти ўтмишига айланиб, эндиликда миллий мустақилликни қўлга киритиб, истиқлол йўлига ўтиши Хоразм воҳаси меҳнаткашларининг ҳам ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший ҳаётида янги бир даврни бошлаб берди. Халқимизнинг баркамол маданият ва санъат намуналарини яратишда ҳур ва эркин хоразмликлар илгаригидек олдинги сафларда бўлишлари ва бутун ўзбек халқининг маънавий бойлиги яна ҳам ортишига муносиб ҳисса қўшишлари тайин. Улар улуғ мақсадларни кўзлаб ижод қилмоқдалар.

**Исо ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор**

# ОПЕРА — УЙҒОҚ ДУНЁ



*Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрининг бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамид Шамсуддинов билан мухбиримиз суҳбати*

**— Ҳурматли Ҳамид Абдуллаевич, ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда кучли традицияларга эга опера ва балет театрининг фаолият кўрсатиши ҳам осон кечмаётган бўлса керак. Ушбу театрнинг замон синовларидан қандай ўтаётганини, бошқача қилиб айтганда, унинг нима билан ва қандай нафас олаётганини билишни истардик.**

— Чиндан ҳам, иқтисодий-маданий ислоҳотлар даврида опера ва балет театрининг фаолият тарзида, менимча, бошқа санъат турларига нисбатан ўзига хос мураккабликлар, қийинчиликлар кўпроқ бўлади. Ушбу театр жамоаси аввало опера ва балет солистлларининг катта бир гуруҳи, оркестр, хор, кордебалет ва миманс артистларидан иборат. Булардан ташқари, спектаклни саҳнага олиб чиқишда иштирок этадиган кўплаб цехлар, хизматчилар, ходимлар бор, улар саҳна кийимлари — костюмларни, декорацияларни тайёрлайдилар. Демак катта доира ўз-ўзидан айланмайди. Шу билан бирга, опера ва балет театри ўз қобиғи атрофидагина айланиб қолиб кетмаслиги ҳам керак. Дунё мамлакатларида катта-катта менежерлар, меценатлар ва ҳомийлар шу театрларни ўз имкониятлари-салоҳиятларига мос равишда қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг ижодий равнақи учун йирик-йирик маблағларини аямайдилар. Бундан табиий бир савол туғилади: нима сабабдан? Улар аввало бундай театр ҳар бир миллат маданиятининг қандай юксак даражага кўтарилганлигининг белгиси эканлигини жуда теран ҳис қиладилар, ҳамма тушунадиган мусиқа тили халқларни бир-бири билан нечоғлик яқинлаштиришини яхши англайдилар. Чиндан ҳам санъатнинг бу халқаро эътироф этилган тури ҳар қандай миллат, ҳар қандай мамлакатни дунёвий тараққиётнинг улуғ поғоналарига олиб чиқишга қодир бир соҳа. Ўзбекистон ҳам бугун жудди шундай катта миқёсдаги санъатга эга, буни опера ва балет театри санъаткорлари ғоятда гўзал тарзда исбот қилмоқдалар. Гарчи ҳозирги театримизнинг катта ҳомийлари кўп бўлмаса-да, лекин миллий санъатимизнинг бу ёрқин тури истиқлол тўлқинлари ичида ривожланиш йўлидан дадил бораяпти.

**— Айтинг-чи, кейинги мавсумларда театр ўз томошабинларига қандай янги асарлар тақдим этди?**

— Биз кўпроқ ўзбек миллий операсини саҳнага олиб чиқишга интиляпмиз. Бунинг учун анъанавий йўлимизни давом эттириш билан бирга, янги ижодий услубларга дадил қўл уряпмиз. М. Бафоевнинг «Аҳмад ал-Фарғоний», А. Икромовнинг «Буюк Темур», С. Юдаковнинг «Насриддиннинг ҳийлалари», Ф. Амировнинг «1001 кеча» ва бошқа ўнлаб асарлари анъанавийлик ва новаторликнинг ёрқин уйғунлигидан дунёга келди. Таниқли дирижёр ва режиссёрлар А. Абдуқаюмов, С. Шодмонов, Д. Абдураҳмонова, Ф. Сафаров, Ҳ. Қосимовларнинг ижодий меҳнатлари мухлисларга қувонч ва илҳом бахш этаётир.

**— Мана, 9 йилдан бери шу даргоҳда бош дирижёр бўлиб ишлаб келасиз. Бу қийин ва шарафли иш ижодий имкониятларингизга қандай таъсир кўрсатади? Ишингиз ўзингизни қаноатлантирадими?**

— Мен бу лавозимни аввало жуда улкан масъулият каби қабул қиламан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай олиб қараганда ҳамма нарса: спектаклнинг қай даражада саҳналаштирилгани — сифатидан тортиб майда-чуйда ишларгача — концертлар ташкил қилиш, ноталар ёзуви, ижрочиларнинг ўрни, иштироки, белгиланган вақтда саҳнага олиб чиқиш-ҳамма-ҳаммаси опера ва балет театрида мусиқа раҳбарининг зиммасида бўлади. Унга жуда катта мажбурият юклайди. Мен бу ишни севаман. Унга ўрганиб қолганман.

**— Демак, бошқача қилиб айтганда, ҳамма ишларнинг учи бош дирижёрнинг қўлидан ўтади.**

— Бу ерда икки тушунчани тўғри ажрата билиш керак. Аввало театрга ягона раҳбарлик театрнинг бош директори ва бош дирижёри зиммасига тушади. Чунки катта театрдай улкан ижодий даргоҳнинг мураккаб ва кенг кўламли ишларини юксак даражада бошқариб боришнинг ўзи бўлмайди. Биз театримиз раҳбари Бернора Қориева билан шундай ҳамжиҳатлик топганмиз. Бундай ҳамжиҳатлик ютуқларимиз гарови. Театрга раҳбарлик барча дирижёр, режиссёр, хонанда ва раққосаларнинг ижодий ўзига хосликларини намоён қилишга қаратилади. Театр раҳбари талантли шахслар, талантли асарларга йўл очиши лозим. Ўтган бир неча ўн йил давомида театр фақат икки бошқарувчи — бош дирижёр ва бош режиссёрнинг ҳукми остида яшади. Уларнинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлди. Улардан бошқа ҳеч ким саҳнага асар қўймайди. Барча спектакллар фақат шу икки «хўжайин»нинг постановкасидагина саҳнага чиқди. Бошқа талантларга, тажрибали постановкачиларга деярли йўл берилмай келинди. Бунинг салбий томони шунда бўлдики, барча солистларнинг ижросида, ижодий йўналишида бир хил қолип кузатилаверди. Театрнинг эса қолипга тушиб қолишидан ёмони йўқ. Изланиш тўхтайди, Мен бу мулоҳазаларим билан театрнинг ҳозирги фаолиятини мақтамоқчи эмасман. Лекин, кези келганда шуни айтишим мумкинки, ҳозир хонандаларимиз турли постановкачиларнинг раҳбарлигида ишламоқдалар, ранг-баранг услубларда ижод қилмоқдалар.

Зеро, чаман ҳам турфа гуллари, турфа атирлари билан чиройли ва хушбўй. Дейлик, саҳнада бугун-тажрибали мураббийни, эртага — энди ижод йўлига қадам қўяётган дирижёр ёки режиссёрни, индин — бошқа мамлакатдан постановка учун таклиф қилинган мутахассис ишини кўриш мумкин. Ойлик режаларимизнинг мундарижасини кузатиб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилиб турибсиз.

**— Талантли санъаткорлар ижодий гуруҳнинг мағзи, гурсиллаб уриб турган юраги саналади. Бугун театрнинг қиёфасини кимлар белгилаяпти?**

— Ишончим комилки, бугунги опера ва балет театримиз жуда юқори малакали ижодий кучларни ўзида жамлаган. Албатта ҳали ҳам асосий юк катта тажрибага эга таниқли санъаткорлар елкасида. Ўзбекистон халқ артистлари Қ. Муҳиддинов, М. Раззоқова, халқ артисти Галина Абиякий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ю. Жданов, О. Александрова, Т. Данилова, Р. Латипов, Д. Ёқубова, Г. Азизова, А. Ражабов ва бошқа талант соҳиблари театримизнинг шон-шуҳрати ва обрў-эътиборини кўтариб келмоқдалар. Улар қаторига навқирон умидли санъат фидойилари келиб қўшиляпти. Сайёра Хайриддинова, Елена Шавардона каби жўшқин ва фидокор бу каби инсонлар билан ишлашдан туганмас мароқ оламан. Ҳаёт улар билан завқ ва маънога тўлади.

**— Театрнинг ақл-идроки бу — дирижёр ва режиссёр дейишади. Ҳамкасбларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Ёш чоғларимдан Ўзбекистон Халқ артисти, профессор Абдуғани Абдуқаюмов ижодига ҳурмат ва муҳаббат билан қарайман. У опера классикасини, музика, тарих, санъатни аъло даражада билади. Унинг спектакллари доим ҳиссиётларга бой, ғоятда жўшқин. Абдуғани Абдуқаюмов драматургияни нозик тушунади, нозик ҳис қилади. У Пуччини, Верди. Бизе, Мусоргский, Чайковский асарлари ичида ғаввосдек сузади. Мен ҳамкасбим Сулаймон Шодмонов ишларидан завқланаман, ажиб қаноат ҳосил қиламан. У театримизнинг бош хормейстери ва дирижёр сифатида жуда кўп ёрқин ишларни рўёбга чиқармоқда. Унинг «Лючия ди Ламмермур», «Қўнғироқча», «Ал-Фарғоний», «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» асарлари томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Дилбар Абдураҳмонова ижоди эса барчамизга улкан мактаб. Консерваториянинг битирувчиси Аида Абдуллаева эса ўзининг илк асарини қўйди. Ҳа, сафимиз тўлаяпти, янги опера ва балет фидокорлари билан файзли бўляпти. Ёш режиссёр Ҳайдарали Қосимов ўзига хос спектакллар қўйяпти...

**— Иш бор жойда муаммо бор, бош дирижёр сифатида уларнинг энг муҳимлари тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Жиддий ўйлантирадиган муаммоларимиз оз эмас. Муаммо аслида камчиликка ўхшайди. Камчиликлар эса бизнинг ожиз нуқталаримиз. Кейинги пайтларда энг керакли кўплаб ижрочилар оркестрларда кўринмай қоляптилар, ҳозир Ўзбекистонда арфа чалувчи биттаям созанда йўқ, консерваторияда ёки махсус мусиқа мактабларида ҳалигача арфа ихтисослиги бўйича синф очилмаган.

Бу ҳол оркестр учун зарур бўлган бошқа мусиқа асбоблари тақдирига ҳам «юқиши» эҳтимолдан холи эмас. Хусусан, валторначилар сафи сийраклашаётгани бизни сергаклантириши лозим. Яна бир ачинарли томони шуки, шу театрда тарбия топган, юртимизда ижодий ном қозонган опера ва балет солистлари мамлакатимизда шуҳрат топиб, театр даргоҳида кўп етакчи партияларни эгаллаб, оқибатда эса бошқа жойларга мунтазам ишлашга кетиб қолмоқдалар. Кўп меҳнат сарфланган тайёр кадрларнинг бу тарзда «учирма» бўлиб кетиши жуда қийин йўқотиш, уларнинг ўрнини тўлдириш осон эмас. Булар театримиз фаолиятини анча қийинлаштиради. Ҳа, кадр йўқотиш театр учун жуда оғир муаммо. Чунки ёш санъаткорларни шу даражага — маҳорат пиллапояларига кўтаргунча кўп машаққат, машқ ва вақт сарфлашга тўғри келади. Оркестрнинг тажрибали созандалари орасида ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Ваҳоланки, театримиз оркестри чин маънодаги талантлар гуруҳи эканлигини ҳар куни намойиш қилиниб турган опера ва балет спектаклларида, хориж гастролларида ҳам тўла намоён этмоқда. Бундан бир йил бурун Таиланд ва Малайзияда қўйган концертларимиз томошабинлар олқишига сазовор бўлган, бундан ғоят руҳланган эдик. Малайзияда шу мамлакат композиторлари асарлари бизнинг ижромизда компакт — дискка ёзилди. Бу катта ютуқ. Балет труппамиз ҳам Осиёда кўп ижодий сафарларда бўлиб, мухлислар эътиборини қозонди.

**— Ушбу труппа хусусида ҳам бироз тўхталсангиз.**

— Балет гуруҳини Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсупов бошқаради, балет соҳасида Ўзбекистон халқ артистлари З. Давлатмуродова, Г. Ҳамроева, З. Нуримбетов, И. Кистанов, Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган артист Ф. Саъдуллаев ва бошқа истеъдодлар ижодидан томошабинлар ҳамиша баҳраманд. Шунингдек, ёш талантлар ҳам саҳна оламида ўзларини кашф этмоқдалар. Биласиз, балет асарларининг ўз фидокор томошабинлари бор. Уларни театр яхши асарлар билан чорлаб туради, уларга мислсиз завқ бахш этади.

Умуман опера ва балет репертуарларимиз турли муаммолар ва турмуш мураккабликларига қарамай, ўз мумтоз мундарижасини сақлаб келмоқда. Яқинда Жузеппе Верди юбилейи муносабати билан театр доирасида фестивал ўтказилди, ушбу юбилей бу буюк композиторнинг машҳур олтита операсига бағишланди. Бу каби улуғ ижодкорлар Доницетти, Моцарт, Бизе, Гуно, Чайковский, Рахманинов, Бородин Стравинский, балетда яна Прокофьев, Минкус, Адан, Асафьев, Пуниларнинг асарлари ҳамон саҳнамизни тўлдириб, уни бир нурафшон томошагоҳга айлантириб келади. Лекин бу мумтоз жилолар шукуҳи миллий операларда ҳам акс этиши керак.

**— Бу ижодий коллективнинг келажагига қандай умид ва тилакларни билдирган бўлардингиз?**

— Фикримча, консерватория айнан опера гуруҳи учун хонандаю созандаларни кўпроқ тайёрласа, айни муддао бўлур эди. Ўзбекистон композиторлари опера ва балет санъатининг ёрқин асарларини ижод қилсалар дейман. Айниқса ёш томошабинлар учун, болаларбоп асарлар камёб, уларнинг ўрни бўш, ҳувиллаб турибди. Театрга ёш талантли дирижёрлар, режиссёрлар, рассомлар қўйилиб келишини орзу қиламан. Ва, ниҳоят, ҳомийлар ҳам опера ва балет санъатига ихлос ва муҳаббат билан эътибор қилсалар, маънавий кўтарилиш учун моддий замин ҳосил қилишга кўмаклашсалар, унутилмас иш бўларди.

Энг асосийси, ижод саҳнасида томошабинлар олдида турган шу аҳил жамоа ҳамиша мухлислар тўла залнинг ҳароратли нафасини ҳис қилиб турса, шунинг ўзи илҳом, шунинг ўзи самара, орзулар ушалишидир. Мамлакатимизда ягона опера ва балет театри ҳисобланган. А. Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрининг шарафли номи ҳаммамизни катта ижодий ишлар, кашфиётларга чорлаб туради. Мен Навоий театрини бир тирик уммонга қиёс қиламан. Бу уммон ҳамиша уйғоқ.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош: Дилором ҚЎЗИЖОН.**



*Бу турмуш...*

# ҒУРУР

Инсонда бир туйғу бор. Шундан айрилса, у боши юмалоқ, бути айри бир нав махлуқ бўлиб қолади...

## ХОНУМОН ҲИМОЯСИ

Юмуш билан қўшнимникига кирдик. Ёз. Ҳали сумбула кирмаган, ҳаво дим. Қўшним «келинг-келинг» қилиб сўрига ўтказди. Пиёлага чой қуйиб узатди. «Толдан-тутдан» қилиб гаплашиб ўтиргандик, унинг 14—15 ёшлардаги ўғли даладан ўт кўтариб келиб қолди. Ўтни бостирмадаги молларига расамадлаб, ҳовлига ўтди. Менга салом берди, келиб сўрашди. Нимагадир қўлига ярим қулоч чамасидаги калтак ушлаб олган, боши баравар кўтариб юрарди. Дадаси:

— Ўғлим, ариқдан сув олиб, ҳовлига сепиб юборгин. Сал ҳавонинг дами кесилсин, — деди.

Ўғил пақирда сув ташиб атрофга сепди. Лекин бояги калтагини тишлаб турди. Сўнг яна қўлидан қўймай ариқ тарафга кетди. Бу ҳол менга ғалати туюлди. Қўшни ҳайрон бўлганимни кўриб, тушунтирди: Ўғлимнинг «қиличини» кўрдингизми? — деди кулиб қўшним. — Душман ҳужум қилса, шу қиличи билан зарба беради. Ўғлимга ҳазиллашиб «Гўрўғлисултон» деб ном қўйганмиз ҳозир.

— Душман ким?

— Олақанот.

— Олақанот?

— Ҳа-да. Ана, анов ток ревзанагида ўтирган олақанот ўғлимга душман.

— Қизиқ-ку...

— Бўрига ўхшаб олақанотнинг ҳам ғурури қаттиқ бўларкан. Ҳалиям болалиги қолмайди буни. Бир жуфт олақанот оғилга уя солган эди, бориб шуни бузибди-да. Шу-шу ўғлимни қувгани-қувган. Бир сафар яқин кўзини чиқарувди. Бўлмаса, тухум қўйиб, ҳозир бола ҳам очган. Жудаям мағрур қуш экан, бу олақанот деганлари.

Шу пайт бола оғил тарафдан бошини букиб ура-а қочиб қолди. Қўлида калтак, бошида бир гала олақанот «қийчув» соларди. Эркак олақанот шўнғиб келиб, бир тепиб боланинг бошидан дўпписини учириб юборди. Бола уйга қочиб кирди.

Англадимки, мағрур олақанотлар ўз хонумонларини ҳимоя қилмоқда эди.

## МАЪНАВИЙ ЎЛИМ

Хўжаликлардан бирида каттагина йиғилиш бўлди. Унга мухбир сифатида мен ҳам қатнашдим. Минбардаги бошлиқ қўл остидаги кичик бошлиқларни роса «дўппослади». Ҳатто қизишиб кетиб, бировини сўкиб юборди:

— Ишни қилиб қўй-да, чўчқа! Нуқул маишатлар сенга?! «Сўкиш» эшитаётган киши боши хам, индамай тек тураверди. «Тамом», дедим ичимда, «бу одам энди бирор ойларсиз ўзига келолмаса керак»...

Қизиғи йиғилишдан сўнг бўлди. Йиғилиш учун ёзилган дастурхонга «бир пиёла чой» устида энг иштаҳаси очилган ўша «бечора» еб-ичди. Ҳаммадан кўп яна ўша ўйнади, яйради. Шунда қайсидир журналда ўқиганим — бир воқеа ёдимга тушди. Хориж давлатларининг бирида судда ғалати иш кўрилибди. Бир аёл қўшнисини судга берибди. Уриб, бурнини қонатгандир-да, деярсиз. Йўқ, қўшни нимагадир аёлни «бегемот!», — деб ҳақорат қилган экан холос. Шунга шунчами?!

Инсонлик ғурурини, иззат-нафсини оёқости қилишнинг катта-кичиги бўлмайди. Бир дафъа Абдулла Қодирийнинг ғурурига тегишганда, у шундай деган:

— Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусига маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир...

## СИЧҚОН КЎПАЙГАН УЙ

Бир маст йигит уйга гандираклаб кириб келди. Хотини билан ораларида гап қочиб, йигит қўлига эрк берди. Шўрлик хотин реанимацияга ётди. «Зўравон» эркакдан:

— Хотинингни нега урдинг, номард? — деб сўрашса, у «эркак»:

— «Шу касофатни ичмасангиз, уйингизда сичқонлар кўпайиб қолади-да, а?!» деб йигитлик ғуруримга тегди. Аҳмоқчилик, билмай қолибман...

Бунинг ҳам номи ғурур-да! Асли у пастлик. Хотинни хор қилган икки дунёда яшнамайди.

Ҳа, ғурур ва такаббурликнинг руҳимиздаги макони бир жойда. Пиёзнинг қовуғичалик парда уларни аралаштириб юбормай туради. Шу важдан кўпчилик ўзини ғурур хонасидаман деб, такаббурлик хонасида турганини билмай қолади. Бу икки сўз маъноси ўзи икки дунё, кажрафторликни қаранги, улар бир ватанда яшайдилар.

Мана, энди-и ғурур ҳақида гаплашсак, жоиз...

**Раҳимжон МИРЗАҚУЛОВ**

**Бешариқ**

*Инсон файзи — оила*

# БИР САНАМ ВА ТЎҚҚИЗ БАҲОДИР

Биз Нортожи хола ҳузурига кўпчилик бўлиб бордик: туман ҳокимининг ўринбосари Назоратхон Қодирова, «Ғаниобод» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раисининг муовини Махфиратхон Омонова ва бошқа фаол аёллар ҳамроҳлик қилишди.

— Сизни баҳонангизда опани кўриб келамиз. Набирасига тўй қилаётган кунда йиқилиб кетибди. Оёғи лат ебди. Гипсда эмиш.

Айтганлари тўғри экан. Ҳар қандай одамнинг диққатини ўзига жалб қиладиган, озода, саранжом-саришта хонадон. Нортожи Жўраева катта равонда, газ печканинг ёнида ўтирарди. Етмиш ёшни «уриб» қўйган бу онахоннинг юзида сўлғинлик, ҳаётдан нолиш аломатларини сезмадим. Онахон очиқ чеҳра билан бизни қарши олди.

— Болаларинг кўп бўлса ҳам яхши экан, — шукроналик билдирди у. — Ёлғиз қолган пайтим йўқ. Бири куйиб, бири бошимда парвона. Бариям омон бўлсин, мурод-мақсадига етсин.

Тўққиз ўғил ва бир қизни вояга етказиб, оқ ювиб, оқ тараган, ҳаммасини ўқитиб, касб эгаси қилган «Қаҳрамон она» чеҳрасида хасталикдан асар йўқ. Унинг қош-киприклари, белига тушиб турган қора сочлари, миқти гавдаси эса момони анча яшартириб кўрсатарди.

— Бу укаларингизнинг ҳаммасини далада, тошлоқда катта қилганмиз, — деди Нортожи суҳбатимиз давомида, — Тоғ олдида Пахтабўстон деган қишлоқ бор. Уни тепа қисми поёнсиз тошлоқ, қайир ерлар эди. Бир куни совхозимиз директори Абдуқаҳҳор Ниёзов хўжайинимга «Нишонбой, шопирлик қилганингиз етар. Мана шу даштни бир обод қилгин, боғ яратгин. Нима десанг, ёрдам берамиз», дебди. Ўшанда болалар бешта эди. Далада ишлардим.

— Шунча бола билан қаёққа бораман? — дедим.

— Катта айтдими; биз бажаришимиз керак, — деди тоғангиз.

Нишонбой Жўраев хўжаликнинг қаровсиз ерларига техника солиб ўзлаштиришни бошлаб юборди. Гузаладай, қутидай келадиган тошларни Нортожи босарки фарзандлари билан тўплаб, ер очишди. Сара мевали дарахт кўчатларидан пайкал шаклида экиб, боғ-роғ қилдилар.

Ўттиз беш йил давомида Жўраевлар яратган мевазор 100 гектардан ошиб кетди. Йигирма беш йилдирки, бу бўстондан тонна-тонналаб ҳўл ва қуруқ мевалар хўжалик меҳнаткашларига, давлат омборига етказилмоқда. Ҳозирги кунда оила ихтиёрида 45 гектар боғ-роғ бор. Ўғиллари Абдуллажон билан Расулжон алоҳида боғдорчилик бўйича фермер хўжалиги ташкил этишган. Қолган 55 гектардаги боғдан хўжаликнинг бошқа аъзолари фойдаланишмоқда.

Тўққиз ўғил, тўққиз келиннинг олдида шифокор Мавлудахон туради. У тўққиз баҳодирнинг суюкли синглиси. Бир оиладан ўнта иноқ оила яратган Жўраевлар Ўзбекистон туманидаги энг намунали, бақувват хонадонлардан биридир. Ҳаммаси уйли-жойли, ували-жували бўлиб кетишган. 36 набира, 2 эваранинг суюкли бувиси бўлган Нортожи хола ҳисобда адашиб кетади. Нишонбой отанинг хат-саводи борлиги учун ҳаммасини дафтарчасига ёзиб юради.

Меҳнаткаш, ахлоқ-одобда ибратли Жўраевлар оиласида иқтисодий тангликни учратмайсиз, ўғилларининг ҳаммаси «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналарини минишади.

— Болани меҳнатга ўргатинг, — дейди оила бошлиғи Нишонбой ака. — Кам бўлишмайди. Жамики жанжаллар, оила бузилишлар етишмовчиликдан келиб чиқади. Фарзандингиз меҳнаткаш, бирор касб эгаси бўлса, «бошқа» қилиб қўйганингиздан кейин ҳам кўнглингиз тўқ юради. Рўзғорида камчилик кам бўлади.

Ҳаёт қонуни ҳамиша ҳақ. Нишонбой Жўраев тўғри айтяпти. Ҳисобини билмаган, тадбиркорликни ёки меҳнат қилишни ўзига эп кўрмаган оилаларда иқтисодий қийинчилик туфайли кўнгилсизликлар кўп чиқади. Бироқ олдини олса бўларкан-ку!

Азиз муштарий, Жўраевлар оиласи тўғрисида китоб ёзсак камлик қилар. Улар мустақил юртимизнинг минглаб тинч-тотув яшаётган бахтли хонадонларидан бири, холос.

Аёллар йилида ўзларининг 50 йиллик ОЛТИН тўйларини ўтказадиган Ислом қишлоқлик Жўраевлар хонадонига ҳамиша хурсандчилик, бахт-барака ёр бўлсин.

**Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ,**
**журналист**



Кўз нуридан тикилган дўппи...

## БУ ЕРДА ҲАММА САТО...

Японияда Сато деган фамилия энг кўп тарқалган. Оз эмас-кўп эмас, қарийб 2,2 млн. японнинг фамилияси — Сато. Ундан кейин Судзуки (2 млн) ва Такаҳоси (1,5 млн) фамилиялари туради. Като, Танака, Ватанабэ ҳам энг кўп тарқалган фамилияларга киради.

Умуман, Японияда ўз фамилиясига эга бўлиш расм тусига кирганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бу мамлакатда ўрта асрларда фақат зодагонлар ва самурайларгина ўз фамилиялари билан юришга ҳақли эдилар. Фақат 1870 йилга келибгина барча япон фуқаролари ўз фамилияларига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

## ЁЛҒИЗЛИКНИ СЕВУВЧИЛАР

Европа ва Осиёда аҳоли орасида ўтказиб туриладиган савол-жавобларда «Катта ёшдаги кишилар бўш вақтларини қандай ўтказишни хоҳлайдилар?» деган савол ҳам берилган эди. Жавобларга қараганда, кўпгина европаликлар бўш вақтларини оила ва дўстлар даврасида ўтказишни афзал билганлар. Японлар эса ўз бўш вақтларини турли хоббиларга, яъни ёлғиз ўзларига тааллуқли бўлган қизиқарли нарсаларга сарфлашни маъқул кўрар эканлар. Европалик ва айрим осиёликлар жавобгарлиги тайин ишни истайдилар. Японлар эса жавобгарлиги кам, нисбатан енгилроқ ишларга рағбат билдирадилар.

Ёшларга таълим-тарбия беришга энг кўп билим ва маблағ сарфлаш ўзини оқлайдими деган саволга европаликларнинг 59 фойизи, осиёликларнинг 77 фойизи ижобий жавоб берганлар. Японияларнинг фақат 20 фойизигина бунга «ҳа» деб жавоб бердилар.

## ЙИҒИ ВА СТРЕСС

Врачларни бир жумбоқ қизиқтириб қолди. «Нима учун япон болалари Европа ва Америка болаларига қараганда кам йиғлайдилар?» Врачлар бунга жавоб қидириб, бу ҳол одам организмининг генетик асосига боғлиқ бўлса эҳтимол, деган хулосага келдилар. Лекин йўл-йўлакай яхши кузатув ўтказилди. Ҳақиқатдан ҳам Америка болачалари эмлаш вақтида узоқ йиғлар экан, лекин ота-онасининг эркалаши натижасида дарров жим бўларкан. Япониялик болакайлар эса бунақа вазиятда эмлаш оғриғига йиғламай, бемалол чидар эканлар. Лекин улардан эмлаш вақтида қон чиқиб, бу қонда кўплаб гармонлар учратиш мумкин. Олимларнинг фикрича, узоқ йиғи стрессни йўқотади. Лекин йиғламаслик одам организмида заҳарли гармонлар йиғилишига сабаб бўлади.

**Миркомил СОДИҚОВ**

**«Japon today» «Япония бугун» нашридан тайёрлади.**



Ҳаёлларим қиш каби узун...

*Тарих тилсимлари*

# ЎТДА ЁНМАГАН ЮРАК ЖУМБОҒИ

...Францияда тарихан «юз йиллик уруш» деб аталган қирғинбарот давом этарди. Инглиз босқинчиларига ҳеч бир куч бас келолмайдиган туюларди. Кутилмаганда эл-улус ўртасида узунқулоқ гаплар тарқалди: нима дейсан, афсунгар Мерлин башорат қилганмиш — яқин орада қўлида ойболта кўтарган бир қиз пайдо бўлармишу ҳамманинг нажоткорига айланармиш...

Авлиёна каромат баайни ҳақиқат бўлиб чиқди. Кўп ўтмай тарих саҳнида Жанна исмли қиз пайдо бўлди. Айтишларича, авваллари ҳеч ким танимаган-билмаган, камбағал деҳқон оиласига мансуб бу чўпон қиз туш кўрибди. Тушига арвоҳ кирибди ва унга «Ватан қисмати фақат сенинг қўлингда!» дебди.

Албатта, миш-мишлар ўз йўлига, аммо бир нарса аниқ: ўша чўпон қиз, мавриди келганда, ростданам эл-юрт корига яради. Ўз атрофига қўшин тўплаб, уни душман сари бошлади. 1429 йил май ойида илк ғалабага эришди — Орлеан шаҳрини душман истибдодидан халос этди. Шунга кўра, «Орлеан қизи» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Муҳтарам ўқувчи, сиз гап ким ҳақида бораётганини алалқачоноқ англагандирсиз. Зеро, бу ўша-француз халқининг халоскори сифатида бутун дунёга донг таратган, мислсиз жасорати асрлар оша тилларда достон бўлган афсонавий қиз Жанна д'Аркдир. Юзаки қараганда, сиз у ҳақда гўёки ҳамма маълумотга эгасиз. Аслида-чи?

Бу саволга жавоб беришдан олдин бир ўйлаб кўринг-чи: оддий чўпон қиз қандай қилиб ўз даврининг мард-сара йигитларини интиқом байроғи остига бирлаштиришнинг уддасидан чиқди? Ёки Мерлин башоратида тилга олинган қиз айнан ўзи эканлигига Франция қироли ва сарой аъёнларини қай тариқа ишонтира олди? Қолаверса, буюк зафарлар қозонган чоғида у эндигина ўн еттига қадам қўйганди. Бас, шундай экан, ёшгина қизда бу қадар юксак даражадаги ҳарбий истеъдод қаердан пайдо бўлди?

Франция тарих ассоциацияси аъзоси — олим ва тадқиқотчи Робер Амбеленнинг «Тарих фожиалари ва сирлари» асари билан танишган киши ғалати хулосадан огоҳ топади. Муаллиф фикрича, Жанна мутлақо оддий деҳқон хонадонида дунёга келмаган, балки Франция қироличаси Изабелла Баварскаянинг ғайришаърий туғилган зурриёти бўлган. Тадқиқотчи сўзининг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиради: Жанна ҳали жасорат кўрсатмасидноқ ўзига яраша иззат-икром топганди. Аниқроғи, ўша вақтларда кўплаб имтиёз-имкониятлар берадиган ўз жанговар байроғига эга эди. Унинг фақат қироллар авлодларигагина насиб этадиган олтин шиорлари (отлиқлар этигининг пешонасига қотириладиган тепки — А.Ҳ.), шунингдек, тайинли мулозимлари ва таниқли зодагонлардан иборат штаби бор эди. Замона зайлини эътиборда тутсак, бундай хизмат доирасига қора халқ вакиллари кира олмасдилар. Ва ниҳоят Жанна саройга кириб келганида аслида Бетрен дю Гекленга тааллуқли шамширни ўзига беришларини талаб қилганди. Г显 Геклен бетакрор қаҳрамонликлари ила доврук қозонган машҳур рицарлардан эди. Шу боис унинг шамшири том маънода табаррук ҳисобланарди ва бебаҳо мерос сифатида қирол саройида сақланарди. Амбеленнинг таъкидлашича, у Орлеаннинг марҳум герцогига, янаям аниқроғи, Жаннанинг отасига васият қилиб қолдирилган. Ана шунинг учун ҳам Жанна шамширни сўрашга ўзида журъат тополган ҳамда ҳеч бир эътирозсиз уни қўлга киритган. Борди-ю у герцогнинг қизи бўлмаганида саройга дадил киролмасди. Кирган тақдирида ҳам шамширга эга чиқолмасди. Акс ҳолда, бундай талаб қўйишни тасодифий одамнинг жавоҳирлар хазинасига кириб, подшоҳ тожини олиш пайтида бўлишига менгзаш мумкин эди.

Мерлиннинг каромати нечоғли тўғри чиққанини ўрганишга чоғланган қирол табиби йўл-йўлакай яна бир далилга аниқлик киритади. Маълум бўлишича, Жанна шамширдан ташқари жанговар ойболтани беришларини ҳам талаб қилган экан. Бу қурол моҳир усталар томонидан унга атаб олдиндан махсус ясалган, тиғи юзасига мўъжазгина тож тасвири туширилган ва французча «Ж» ҳарфи ўйиб битилганди.

Амбелен Жанна аслзодалардан эканлигини тушунтираркан, «қиздаги ноёб фазилатлар унга отаси Луи Орлеандан ўтган» мазмундаги ғояни олға суради. Масалага мантиқан ёндошганда, бу фикрда жон борга ўхшайди. Негаки, Лун Орлеан ҳам келажакни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга эди. Масалан, бир сафар у ўзи қачон ўлдирилишини дўстларига айтиб, ҳатто бу даҳшатли қотиллик қандай вазиятда рўй беришини ҳам ипидан игнасигача аниқ-тиниқ тасвирлаб берганди.

Амриқолик парапсихолог Ж. Уокер ҳам Амбелен хулосасига ҳамоҳанг фикрни ўртага ташлайди. У Жанна туғилганиданоқ мўъжизакор хисларларга эга бўлганлиги назардан қочирилмаса, унинг кейинги тақдирига оид барча жумбоқлар ўз-ўзидан ойдинлашиши мумкин деб ҳисоблайди.

Солномачиларнинг гувоҳликлари бўйича, Жанна д'Арк билан боғлиқ ақл бовар қилмас жамики ҳодисалар у парилар ҳузурида меҳмон бўлиб қайтганидан сўнг бошланган. Жанна яшайдиган қишлоқ ён-атрофида Шенб ўрмони ястаниб ётарди. Шу ердаги мўъжазгина дарёнинг тиқ қирғоқлари қалин қарағайлар билан қопланганди. Улар орасида, маҳаллий халқ айтиб юрадиган ривоятларга кўра, парилар дарахти ҳам ўсади. Жажжи қизалоқ Жанна ўрмонда кезишни хуш кўрарди. Бир куни навбатдаги сайрдан қайтади-ю, ота-онасини ғаройиб воқеадан огоҳ этади: у кекса қора қайин олдига яқинлашган вақт қаршисида гўёки афсоналар ўлкасининг эшиги ланг очилганмиш. Ичкарида уни парилар қиролининг шахсан ўзи кутиб олганмиш ва келажак тақдирида нималар ёзилганини башоратлаб берганмиш. Шундан сўнг Жаннанинг наздида олдига тез-тез арвоҳ-шарпалар келадиган, қулоғига алланечук товушлар эшитиладиган бўлиб қолганмиш.

Замондошлари хотираларида қайд этилишича, Жанна кароматгўйлик хусусиятига ҳам эга бўлган. Бунга мисол тариқасида ровийлар шундай воқеани нақл қилишади: Жаннани қурол-яроқ таққан ҳолда кўрган бир суворий жаҳл аралаш сўкинади. Жанна бундан хафа бўлмайди, фақат бир нарсани эслатади — ўша суворий яқин орада ҳалок бўлишини айтади. Унинг башорати ҳаял ўтмай чин ҳақиқатга айланади.

Жанглардан бирида Жанна ёнидаги сафдошини «Тезроқ, ўзингни четга ол, бўлмаса, жонинг увол кетади!» — деб огоҳлантиради. Шериги булғапга қулоқ солади, зудлик билан жанг майдонини тарк этади. Афсуски, шу асно унинг ўрнини бошқа йигит эгаллайди ва душман зарбидан ҳалок бўлади.

*Бу юрак соҳибаси аслида ким эди: оддий деҳқон зурриётими ёки сарой маликаси?*

*Афсоналар юртида парилар меҳмони бўлган жажжи қизалоқ тақдирининг бебаҳо инъоми соҳибасига айланади ва кейинчалик асрларга татигулик шон-шуҳрат қозонади. Сирли-синоатли бу воқеа ҳали-ҳануз тадқиқотчиларга тинчлик бермай келади.*



Рассом Гулноза СУЛТОНОВА

Айтишларига қараганда, Жанна д'Арк сеҳргарлик илмидан ҳам яхшигина бохабар бўлган кўринади. Муҳораба олдидан ҳайқирган кезлари унинг овози шу қадар мафтункор ва афсункор янграганки, жангчилари қўрқув нималигини батамом унутганлар. Натижада, ҳатто кучлар мутлақо тенг бўлмаган вазиятларда ҳам, душман устига дадил от солганлар ёки оғир тан жароҳати олган эсалар-да, оғриқни сезмаганлар, қатра қонлари қолгунча жангни давом эттирганлар.

Ж. Уокернинг алоҳида уқтиришича, Жанна ўзидаги башоратчилик ва афсунгарлик қобилиятидан кўпинча «махфий қурол» ўрнида фойдаланган. Ғайбдан келган овозларга қулоқ тутиб иш юритадиган кўйи кетма-кет зафар қучаверган. Акс ҳолда, Потэ остонасида бўлган жангни бир эсланг. Бу қирғинда инглизлардан беш мингга яқин, французлардан бир ярим минг киши иштирок этади. Шунга қарамай, озчилик кўпчилик устидан ғолиб чиқади. Босқинчилардан тенг ярми ажал майдонида ер тишлаб қолади, қолганлари асир тушадилар ёки бир амаллаб қочиб қутуладилар. Француз қўшини эса, сезиларли талофат кўрмайди. Ватан ҳимоячиларидан атиги ўн киши нобуд бўлади. «Бу ғалаба нақ мўъжизанинг ўзи эди, — дея эслашганди кейинчалик шоҳидлар. — Жанна, ҳеч бир муболағасиз, жанг қандай натижа билан тугашини олдиндан яхши билганди, илғор кучларни энг хатарли жойларга бехато йўллаганди».

Ажабланарлиси шундаки, Жанна ўз умр хатига тақдир қай тарзда нуқта қўйишини ҳам олдиндан сезганди ва бундан яқин кишиларини вақтида воқиф этганди. Ўшанда Сан-Жак черкови теграсида турган қўшин навбатдаги ҳамлага ҳозирлик кўраётганди. Бирданига Жаннанинг вужудини яна илоҳий ҳиссттуйғулар чулғади. У одатдагидек чўккаладию, кўзларини юмган кўйи тош қотди. Нималар бўлаётганини илғаган дўстлари унга ҳалақит беришмади. Анчадан сўнг Жанна ўзига келиб, уларга шундай деди: «Менга хиёнат қилдилар... Мени сотдилар... Мен бу ишга журъат қилувчиларни биламан... Фақат бир афсусим бор, энди сизларга ҳеч қандай кўмак беролмайман. Чунки ҳадемай ўлим қўлига топшириламан...»

Қўмондонлар ҳужумни бошқа вақтга қолдиришни сўрашди. Жанна бу таклифни рад этди. Оқибат душман билан тўқнашув пайти бургундлик ёйандоз уни асир олди. Кутилган хоинлик ҳам айни шу лаҳзаларда содир бўлди. Капитан Гилом Флави Жаннанинг жангчилари чиққан дарвозани беркитишни ва кўтарма кўприкни кўтаришни буюрди. Қарабсизки, қалъа ичида қолиб кетган аскарлар Жанна д'Аркка ёрдамга етиб боролмадилар...

Жаннанинг ажойиб-ғаройиб хислатлари тўғрисидаги гап-сўзлардан душманлар ҳам яхши хабардор эдилар. Шунданми, улар жасур қизни аввало жодугарликда айблашди. Авлиё оталар ва суд-полиция маҳкамаси вакиллари энг қалтис вазиятларда Жаннанинг жонига оро қирган товушлар аслида нима эанлигини қайта-қайта сўрайвериб, уни ўз ҳолига қўймайдилар. Қайноқли сўроқлар сурункасига бир неча ой давом этди...

Бир гал қизиқ бўлди. Азоблашлар авжига чиққан маҳали батамом ҳолдан тойган маҳбуса безгак касалига чалиниб, эс-ҳушини йўқотди. Зудлик билан ҳибсхонага чақирилган табиб унинг соғлигини текшириб кўргач, «Энди тиббий муолажанинг ҳожати йўқ, у барибир ўлади» дегандай, чорасиз қўл силтади. Бироқ худди шу асно яна мўъжиза рўй берди. Қизнинг қулоқлари остида, анчадан бери эшитилмай қолган овозлар қайтадан янграй бошлади. Агар халақит беришмаганида, у икки-уч кунга қолмай, ўша давр учун давосиз ҳисобланган дарддан халос бўлиб, оёққа туриб кетарди.

Афсуски «жодугарни» гулханда ёқишди. Шунда аввалгиданда ғайратомуз воқеанинг шоҳиди бўлишди. Кўмир қолдиқлари ва кул уюмлари орасидан маҳкуманинг мутлақо куймаган, заррача заҳа емаган юрагини топишди.

Хўш, Жанна чинданам ўз-ўзидан келадиган ғойибона товушларни эшитармиди? Шундай бўлса, улардан онгли равишда фойдаланармиди? Минг таассуф, бу ҳақда тайинли маълумотлар сақланиб қолмаган. Фақат бир нарсани тахминлаш мумкин. Ўзидаги ғайриоддий қобилиятларни юзага чиқаришда унга айрим кишилар устозлик қилган бўлсалар, ажабмас. Улардан бири ватанпарвар қизга кўплаб ҳарбий юришлари жараёнида ҳамроҳлик қилган маршал Жил де Ре эди. Карл Еттинчига тож кийдириш маросими акс эттирилган баъзи расмларни кузатсангиз, Жанна қиролнинг ўнг томонида, Жил де Ре эса, чап томонида турганини кўрасиз. Бу маршал ўз замонасининг таниқли кимёгарларидан бўлиб, қадимий эзотерик илмлар билимдони ҳам эди. У Жаннага тақдир инъом этган мўъжизавор истеъдодни амалиётда даҳшатли қуролга айлантириб юбориши ҳеч гап эмасди. Жанна қатл қилингач, орадан кўп ўтмай Жил де Ренинг ҳам махсус маҳкама томонидан ҳибсга олинишининг, пировардида, жодугарликда айбланиб, гулханда куйдирилишининг асл сабаби, эҳтимол, шундадир...

Келажакни фаҳмлаш қора кучлар — жодугарликларга дахлдор деган гапларга жавобан оддий бир ҳақиқатни эслатиб ўтиш жоиз: жануб диний ташкилоти 1920 йили Жанна д'Аркни авлиёлар жумласига киритди ва шу тариқа унинг номини бутунлай оқлади.

* * *

**Сўнг сўз:**

Шак-шубҳасиз, Жанна д'Аркнинг бу фоний дунёдаги ҳаёти бошдан-оёқ сир-синоатларга тўла. Мабодо, уларнинг тушунтириб бериш учун қандайдир асослар топилган тақдирда ҳам, барибир, битта воқеа мавҳумлигича қолаверади. Довюрак қизнинг бутун жисми ўтда куйиб кул бўлгани ҳолда, юраги қандай омон қолди? Бу не ҳол? Аслида Худонинг қудратидан, Жанна биз яшаб турган замин вакили эмаслигидан далолат эмасми?

Жанна д'Аркнинг фавқулодда қобилияти ҳақида эзотерик олим Леонид Володарский шундай дейди:

— Бир шаклдан иккинчисига ўтиш ҳодисалари назарияларини ҳам қамраб олган эзотерик таълимот нуқтаи назаридан қараганда, орлеанлик қиз ер юзида катта қурбонлар келтириш билан боғлиқ вазифани бажаришга даъват этилган улуғ опа-сингил Шамбаллардан бири бўлган. Унинг исми — эгачи Ориола. Шундай бир ривоят бор: Ер куррасида нотинчлик вужудга келганида. Ориола уд олдига ўтириб, уни чала бошлайди. Бу мусиқа асбобидан таралган мусаффо оҳанг-нолалар бутун борлиққа ижобий таъсир кўрсатади: одамлар кўнглини юмшатади, қаҳр-ғазабни сўндиради, эзгуликка куч-қувват бағишлайди. Ориола, шунингдек, 1515 — 1582 йилларда яшаган испаниялик зоҳида авлиё Тереза жисмида ҳам ўз тимсолини топган ҳисобланади.

Ғайбдан овозлар келган пайтлари Жанна кўпинча христианлар Само қўшинлари архистратиги деб билувчи фаришта Михаилнинг товушини эшитган. Эзотерик тушунчаларга мувофиқ, Жанна эзгу кучларни ўзида бирлаштирувчи Олий Моҳият билан алоқада бўлган. Кўриб турибсизки, бу жиҳатдан илоҳиётчи олимларнинг турлича талқинлари бир-бирини инкор этмайди.

Жаннанинг жисмини Рўшнолик ва Эзгуликнинг азалий соҳибаси забт этгани боис унинг юраги бекиёс куч-қувват манбасига айланган. Бу тафти сизу биз биладиган олов иссиғидан анчайин баланд бўлган. 1431 йили Руан шаҳри майдонида ҳар томондан ёғилиб келган ўн мингларча одамлар кўз ўнгида Жаннани ловуллатган гулханда куйдиришди. Шунда Ориола жизғанага чиққан танани оҳиста тарк этди-ю, бепоён Кўкка сингиб кетди... Бўлган воқеани ўз кўзлари билан кўрган кишилар кейинчалик гулхан ёлқини узра кўтарилган «алланарса» аслида кабутарга ёки «Аллоҳнинг фариштаси»га жуда-жуда ўхшашлигини айтишган. Мана энди Жанна нима сабабдан суд аъзоларига қарата «Мени ўзим келган жойга — Яратганнинг ҳузурига юборишларингизни сўрайман», деганини тушунгандирсиз.

...Дарвоқе, ўз эл-юртини душман зулмидан озод этишга бел боғлаган ёш қизнинг жонига қасд қилганлар ҳам қисмат ёзмишидан қочиб қутулолмадилар. Кўп ўтмай ҳаммалари қилмишларига яраша «мукофот» олдилар. Жумладан, Жанна д'Аркни гулханда ёқишга фатво берган епископ Кошоннинг ўзи ҳам айни шундай жазога лойиқ деб топилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

Миллий Тикланиш

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0168.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Тоҳир ШОМУРОДОВ*